

Истиқлол шарофати

«ЎЗИ УЧАР» ГИЛАМЛАР

Кўдалалик мактаб ўқитувчиси Камол Сориёв мамлакатимиз мустақилликка эришган, ўйлаб қолди: «Қандайдир каттароқ бир иш билан шуғулланиш керак». Чунки бир зайддаги турмуш уни эриктирган эди. Ўйлаб-ўйлаб, гилам цехи очилган қарор қилди. Сабаби, у республикамизнинг кўп вилоятларида, туманларида бўлган, аммо бирон жойда ҳам кўдалалик аёллар кўйи жундан тўқийдиган чиройли гиламларни кўрмаган. Асосан чорвачилик билан шуғулланган «Кўдала» жамоа-фирма ҳўжалигида кўй жунни сув баҳосида. Аксарият аёллар бекорчи. Яъни арзон ишчи кучи бор. Қолаверса, миллий хўнарамчиликнинг бу ажойиб намуналари нега фақат қишлоғидан нари чиқмасин экан!

Фикрини аёли Софияга айтган эди. Турмуш ўртоғи уни маъқуллади. Қишлоқдаги энг чевар гилам тўқувчи аёлларни йиғишга кўмаклашди ҳам. Ишлар бошланиб кетди, гиламлар тўқила бошланди.


Тошкентга жўнади. Тасодифан, республика «Мусаввир» бадий хўнарамчилик ва амалий санъат илмий-ишлаб чиқариш маркази раҳбари Шохалил Шойеубов билан учрашиб қолди. Шохалил ака кўдалалик аёллар тўқиган гилам маҳсулотларини кўргач, уларга юқори баҳо берди. Бу маҳсулотларга ўзи харидорлик қилди.

Шундан кейин Камол Сориёв бошқиб гиламдўзлар «Мусаввир» маркази буюртмасига кўра шартнома асосида гилам маҳсулотлари тўқиб бошладилар. «Мусаввир» эса уларнинг маҳсулотларини хорижга сота бошлади. Ишлари юришиб кетди. Гиламдўзлар «Хўнарамд» республика уюшмасига аъзо бўлишди.

Айни вақтда 12 нафар гиламдўз устамиз бор, дейди К.Сориёв. Маҳсулотларимиз кўра шартнома асосида ўтган йили Тошкентда ўтган халқаро кинофестивал меҳмонларига совға қилиш учун 150 дона сумка тўқиди. «Мусаввир» бизнинг маҳсулотларимизни асосан АКШ, Германия, Англия, Франция ва бошқа хориж мамлакатларига сотади. Республика миқёсида ўтадиган турли хил кўргама ва ярмаркаларда қатнашиб туради. Биз тўқиган гиламлар Францияда ўтган халқаро ярмаркада сўврин олиб, Францияда нашар этилган суратли альбомга тасвири тушди.

Ха, Чироқчи туманидаги Кўдала қишлоғи аёллари тўқиган гиламлар ҳозирги вақтда харидорлиги туфайли жаҳон кезмоқда.

Абдулжалоил ҒАФФОР.



Истиқлол муҳожираси

БАЛАНД КЎТАР МИНГ ЙИЛЛИК ШОННИ

Кеча тугаб борар, яқиндир кундуз, Мудрама, жонингни гафлатлардан уз, Рухиятнинг тилсим сандигини буз, Кўлдан чиқармагин бундай имконни.

Огоҳлигинг ортсин қадим сирлардан, Бир қайрилиш сўра азиз пирлардан, Қонинг мерос ахир Асотирлардан, Кўзгот томирингда оққан тугённи.

Улуғвор аҳдларга тутганча парвоз, Мозийдан келадур синмаган овоз:

«Биз ким мулки Турон»... этгину эъзоз, Сенда баланд кўтар минг йиллик шонни.

Тизи титрамаснинг қадди тик келгай, Қалб тўла муқаддас азиз юк келгай, Куймиши, топмиши бўлиб Эрк келгай, Изи кўзламагай сира Осонни.

Тугаб бораётган тунинг тигида, Вужудин ёндириб ишқинг чўғида, Нур узатиб икки қорачиғида Суйган Чўлпондек суй Ўзбекистонни.

Замира РЎЗИЕВА

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япониянинг «Марубени» компанияси директори ва транспорт дивизиони Бош менежери Норисиго Ватанабе раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л.Аҳметов билан учрашди.

Мулоқот чоғида «Ўзбекистон Темир йўллари» Давлат акционерлик тижорат йўл компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги масала-

лар юзасидан фикр алмашишди.

Учрашув сўнггида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги масала-

лар юзасидан фикр алмашишди. Учрашув сўнггида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги масала-

лар юзасидан фикр алмашишди. Учрашув сўнггида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги масала-

Ў.А.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОАТЛАРИ



Изхори дил

ЎЗБЕКИСТОН МУАММОСИЗ ЮРТ БЎЛАДИ

1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда.
2. Мустақилликнинг еттинчи йили қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз?
3. Мустақил она юртинг эртанги кунини қандай тасаввур этаяпсиз.

Эшқобил СОБИРОВ,

Сурхондарё вилояти Музаброт туманидаги С.Сатторов номи дехқон фермерлар ҳўжалиқлари уюшмаси раиси.

1. Энг аввало шунини мамнуният билан айтмоқчиманки, ота-боболаримизнинг азалий орзуси бўлиб келган юрт мустақиллиги, истиқлол осонликча қўлга киритилмаган.

Тўғриси, юртбошимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистонимизни 1991 йил 31 август кунини Мустақил деб қўллаганда кўзларимдан ёш шода-шода марвариддай тома бошлади. Ушунда туманимизда энг йирик «Гагарин» номи қишлоқ фуқаролари раиси эдим. Уша кундан бошлаб, ҳар бир фуқаронинг тақдирини да бурилиш бўлаётганини сезиб бордим. Ҳатто ўзим, ҳеч бир маҳал тушқунликка тушмадим. Чунки, кўргонимизда 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшарди. Улар айримлари «кизил империя» даврида ҳам бировга билдирмай «тадбиркорлик» билан шуғулланар эди. Менинг тақдиримда шуларга яхшилик йўлини

тимиз озодлигининг еттинчи йилида халқимиз билан биргаликда уюшмамиз олдига қўйган улкан ишларнинг барини бажардик. Бу йил соф фойдаимиз ҳисобидан 60 ўринли қишлоқ шифохонаси қурилишини бошлаганимиз. Насиб этса, йилнинг охирида, фойдаланишга топширамаиз.

3. Рост сўзим. Юртбошимиз «Ўзбекистон келажиги буюк давлат!» деганда жуда ҳақ. Ватанимизнинг ери, тупроғида бизга у-бизга қоронғу бўлган кўп ноёб бойликларни ётгани маълум бўлганини эътироф этадиган бўлсак, юртбошимизнинг башоратига тўла асос бор. Биргина Сурхон заминидан мустақиллик йилларидан топишган, Хўжайкон туз ва цемент, Ховдак йод кони она юртимизнинг эртанги кунини порлоқ эканлигиндан дарак беради, бизга. Аминманки авлодларимиз ҳеч бир муаммосиз бўлмаган овозда мустақил дийр Ўзбекистонда яшашади.

«Ишонч» муҳбири
 Рустам ДАВЛАТ ёзиб олди.

Шарҳловчи минбари

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДА ЯНА НОТИНЧЛИК

Белфаст яқинида содир этилган портлаш оқибатида 30га яқин киши ҳалок бўлди. Шимолий Ирландияда яна террорчилик авж олиб бормоқда...

Жаҳон афкор оммаси Шимолий Ирландияда узок йиллардан бери давом этиб келган жоҳорлардан яхши хабардор. Уттиз йилга яқинлашиб қолдики, Ольстер минтақасида Шимолий Ирландия католиклари ва протестантлари ўртасидаги кескин жоҳорлар халқаро ҳаётнинг энг долзарб муаммосига айланган. Ольстер Буюк Британия қироллиги тасаруфига олинган дастлабки йиллардаёқ Шимолий Ирландия католиклари бунга ўз қаршиликларини билдириб келганлар. Кези келганда, шунини айтиш ўтиш кераки, Ольстернинг Ирландия ёки Буюк Британия тасаруфига ўтиши муаммоси 12-асрдаяқ юзга келган. 16-асрдаяқ келиб Ольстер расман Ирландиядаги бир провинцияга айланган. Бироқ амалда Буюк Британия тасаруфига қолган. 16-18 асрларда Шимолий Ирландияда Англия ҳўкмончилигига қарши кескин курашлар бўлиб ўтди. Ольстер атрофидаги жоҳорлар 1921 йилдаги Ирландия-Буюк Британия музокара-лари натижаси улароқ бир томонлама ҳал этилди. Ҳар икки томон Шимолий Ирландия, яъни Ольстерни Буюк Британия тасаруфига қолдириш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ольстер католикларининг «Шинн Фэйн» партияси раҳбарлари мазкур ҳужжатга имзо чеканлари католиклар ўртасида қаттиқ норозилик ҳиссини кўзгади. Уша вақтдан бошлаб Шимолий Ирландиянинг ирландия ҳўкмонлиги тарафдорларига қарши кураш олиб бордилар. Асримизнинг 60-йилларига келиб, «Шинн Фэйн» партияси ўз норозилигини гоёт кескин таразда баён эта бошлади. Яъни католиклар қўлга қуриб олиб, террорчилик ва зўравонлик йўлидан бордилар. Албатта, инглиз ҳўкмонлигини ёқлайдиган протестантлар ҳам бунга қарши кескин чораларни қўладилар. 60-йиллардан бери амалга оширилган ўзаро хўнрезлик жиноятлари туфайли ҳар икки маъзаб тарафидан 3 ярим минг киши ҳалок бўлди.

Сўнгги икки йил ичида жоҳон ҳамжамияти Ольстер муаммосини ҳал этишга қаратилган қатор учрашувлар ва музокара-лари натижаси улароқ

ро душманлик ва жоҳорлардан қарчаган Ольстер католиклари ва протестантлари ҳам муроса йўлини танлаш истагини билдира бошладилар. Нихоят, ҳар икки диний маъзаб ўртасида музокара-лар бошланди. Унга Буюк Британия ва Ирландия ҳўкуматларининг раислари ҳам қўшилдилар. Шу ўринда, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг Ольстер муаммосини ҳал этишдаги улкан ташаббусларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу йилнинг 10 апрель кунини Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида қарийб ўттиз соат узлуксиз давом этган музокара-ларда томонлар ўзаро муроса йўлини танлашларида Тони Блэрнинг катта хизмати бор.

Ольстер муаммоси бўйича ўтказилган апрель музокара-лари муваффақиятли ўтди. Томонлар ўзаро муроса йўлини танладилар. Бироқ тинчликпарвар давлатларнинг хўрсандчилиги узок давом этмади. Эз ойларида Ольстердаги экстремистик ва радикал ҳиссиётларга берилган гуруҳлар Шимолий Ирландияда тинчлик ўрнатиш жаърағига лутур етказиш ҳаракатларини давом эттира бошладилар. Утган ҳафта сўнггида эса Белфаст яқинидаги шаҳарчада аҳо-

Хайрулло НУРИДИНОВ.

Касаба уюшмалари спорти

«КАМОЛОТ» КУБОГИ УЧУН

Илгари хабар берганимиздек, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш борасида хайрли ишга қўл урилди. Волейбол ва баскетбол бўйича «Камолот» кубоги учун мусобақалар ўтказилмоқда. Мусобақалар ўтказиш тартибига биноан ҳар бир соҳа ходимлари жойларда: туманларда, вилоятларда минтақа гоилиблари эса республика финал мусобақаларида беллашмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлар жамоалари минтақа гоилиблари шу кунларда финал беллашувларида қатнашмоқдалар.

Кашлари жамоаларида спортнинг волейбол ва баскетбол турларини ривожлантириш, дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши бошқаруви раисининг муовини Б.Тожиев. Бугун мен шунини мамнуният билан қайд қилишим мумкин 25 мингга яқин ишчи- меҳнаткашлар қатнашди шу мусобақаларимизда. Мусобақалар уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичимиз жисмоний жамоалар ўртасида ўтказилди. Иккинчи босқичда вилоятлар минтақаларга бўлинган ҳолда беллашдилар. Учинчи босқич эса финал баҳслари. Бу мусобақаларда қатнашаётган иштирокчиларимизнинг профессионал даражаси юқори эмас. Балки улар ишчи-меҳнаткашлар жамоаларидир. Шунинг учун ҳам бир-икки камчиликлар бўлиши мумкин. Лекин

муҳими бу эмас. Асосий мақсад спортни оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш. Уйлаймизки, биринчи марта ўтказилаётган бу мусобақамизнинг камчиликлари албатта бартафар этилиб, келгуси йилги мусобақалар яна ҳам ўзгача тус олиши табиий.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг курултойи бўлиб ўтди. Курултойда янги дастур қабул қилинди. Бу дастур аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Чунки бу дастурда асосий эътибор оммавий спортни ривожлантиришга қаратилиши таъкидланган. 1999 йил бундай мусобақалардан яна кўпроқ ўтказамиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши раиси Д.Жаҳонги-ров шу курултойда ўз маърузалари билан чиқди-лар. Шу маърузалари биз-

нинг ишимизда дастурдай бўлиб қолди. Нутқда келгуси йилда спортни оммавийлаштириш бора-сида ўтказилаётган мусобақалар учун яна ҳам кўпроқ маблағ ажратилиши таъкидланди. Бу эса келгуси мусобақаларни яна ҳам яхшироқ ўтказишми-змида асосий омил бўлади деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Республика ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган беллашувларда Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг гоилиб жамоалари (32 та) иштирок этмоқдалар.

Кеча мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини Кенгаши раиси ўринбосари О.Мухитдинова, иштирок этди.

Д.ЮСУПОВ.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

СЛОВАКИЯДА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

Словакияда 25-26 сентябрь кунлари Парламент сайловлари бўлиб ўтди. Словакия Бош вазири Владимир Мечьяр Бирилаган Миллатлар Гашиқлигига мурожат қилиб, ушбу сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини назорат қилиб туриш учун халқаро кузатувчилар гуруҳини тузиш тақлифини илгари сурди.

КАВКАЗ МОЖАРОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Арманистон ташқи ишлар вазири Варган Асканян Грузияга расмий ташриф буюриши кутилмоқда. Асканян Грузия ташқи ишлар вазири билан учрашиб, грузин-арман жоҳорларини бартафар этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш ниятида.

РОССИЯ ҲУКУМАТИ ЯНА ЎЗГАРАДИ

Россия ҳўкумати таркибида яна ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Россия Президентининг маъбуот котиби Сергей Ўстрёмбский баёнотида кўра, Президент Борис Ўлчин ҳўкуматдаги бир қанча мансбдор шахсларни лавозимидан озод этиш ниятида.

БАЙРАМ ҚИЛИШ ЭСГА ҲАМ КЕЛМАДИ

Кеча Афғонистон Ислоҳ Давлати мустақилликка эришганига 79 йил тўлди. Афғонистон 1919 йилнинг 19 августидан давлат мустақиллигига эришган эди. Бироқ Афғонистондаги урушнинг тобора кескинлашиб бораётгани туфайли жафоқаш афғон халқи мустақиллик кунини байрам қилишини хаелига ҳам келтиргани йўқ.

ФРАНЦИЯДА ЯНГИ ЗАВОД ИШГА ТУШАДИ.

Францияда яқин кунларда Европадаги энг йирик завод тактик ракеталар ишлаб чиқариш бйрлашма-сини ташқиқ этилади. Франциядаги «Аэрспалль» ҳама-да «Томсон» компанияларининг раҳбарлари ҳўкуматга мазкур завод лойиҳаси ҳақидаги тақлифларини тақдим этмоқдалар. Ҳар икки компания ҳамкорлигида барпо этиладиган янги бир-лашма ҳар йили милли-лард Франк ёки 1.2 миллиард долларлик ракеталар ишлаб чиқарилиши кутил-моқда.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ ХАВОТИРДА

Япония ёш болалар орасидаги жиноятчилик даражаси жуда ўсиб бормоқда. Ҳатто, Усмирланинг соғлом курул ишлатиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Япония ҳўкумати бундан жиддий ҳа-вотирланишга эса асос бор. 1997 йили япониялик ўсмирлар орасидаги жиноят-лар сонини 270 минггача та-шқиллаётган бўлса, жорий йил-нинг бугунги кунига келиб бу кўрсаткич 300 мингга ет-ган. Ҳар ўсмир жиноятдан 83 тасида ўсмирлар соғлом ку-рул ёрдамида қотиликка қўл урганлар.

ИСПАНИЯ ХАЗИНАСИ ЖАРИМАЛАР БИЛАН БОЙИМОҚДА

Испаниядан олинган хабарларга кўра, ушбу мамлакатда йўл ҳаракати ко-ндалирини буютириш ҳақида-да жуда кўпгина кетмоқ-да. Утган йилнинг ўзида йўл ҳаракати кондалирини бую-ганлардан давлат бюджетига 200 миллион долларга яқин жарима маблағлари қат интисодиётига жиддий зарар етказмоқда. Бунинг устига, йўловчилар тахф-сизлигига катта пуфр ет-моқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Хурматли муштарийлар!
 Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ—ОИЛА ЙИЛИ

«ДУРРУЛАЖОЙИБ» ИБРАТИ

ҲАЛОЛЛИҚДИР МЎМИН ХИСЛАТИ...

«Дуррулажойиб» номли тарихий асарда шундай бир ибратли ривоят бор. Султон Боязид бир кун онасига дейди: «Эй, онажон! Неча кундири тоату ибодатдан кунгил ҳаловат топмаётир. Дилим ҳеч юшмайди. Кунгил ичи қоп-қора. Бунинг сабаби ҳаром луқмадан эканлигини билман. Лекин ақлимни танганидан бери ҳаром ё шубҳали таом еганим йўқ. Парҳезим қаттиқдир. Вале сиз менга ҳомилдор бўлганда ёки сизни эмэтиган давримда ҳаром таом тановул қилгансиз деган гумоним бор. Шунда она деди: - Жоним болам! Сизга ҳеч қачон ҳаром сўт бермаганман. Лекин бир воқеа эсимдаки, бир кун сени кўтариб қўшимни-кига ўтдим. Уй эгаси ичкари ҳовлида экан, ташқарида сурмадон кўйилган эди. Сурма олиб сенин кўзларинга сурдим. Шу он хато қилганимни фахмлаб, қўшни аёлдан уз сўрамоқчи ўйладим, бу уй хотирамдан фаро-муш бўлди.

Султон Боязид бу гапларни эшитиб, фарёд қилди: «Онажон! Менинг ҳолимга жафо қилган экансиз. Югуринг, агар сурма эгаси тирик бўлса, ундан розилик олинг, токи менингу шунча чеккан ранжларим бекор кетмасин. Онажон, билмабидингизки, ҳаром нарса кунгилни сим-сиёх этди

ва Ҳақ Субхонау Таоло назари ундай кунгилга тушмайди. Албатта бориб розилигини олингки, гуноҳдор бўлган экансиз... Шу ўринда нодир китобларда ўқиганим - қадимий бир ҳикоят ёдимга тушди: «Бир кишининг қўйла-ри бағоят кўп эди. Унинг бир диёнатли чўпони бор эди. У ҳар кун қўйларни соғиб, ҳосил бўлган сутни кўй эгасининг олдига келтириб эди. Кўй эгаси у сутга ярим хисса сув қўшиб, чўпонга сотил деб берар эди. Чўпон унга бундоқ на-сихат қилур эди: «Эй хў-

сига иллади. «Вой, мен айтмай, сиз эшитманг. Беш кундан бери зирагимнинг бир пойини топол-маганман. Келиним ўлгур ўғирлаганга ўхшайди» деди йиғламсираб. «Олган киши икковиниям олади, бир пой зиракни нима қилади келинингиз?» де-дим. «Вой, билмайсиз-да, у тилланнинг қадрини би-лади. Кечаги ҳафтада қизим-га: «Узук олай десам, дўкон-дагисига ишонмайман, уларнинг кўпи қалбаки» де-ганмиш. Заргар дўгонала-ри кўп-да. Ушаларга обори-б берган менинг зира-

сини чуқурроқ талкин этмо-гимиз даркор. Биз хори-жий юртларга бориб кел-ган кишилардан кўп эши-маганмиш. «У ёқда дўконлар-нинг қулфи йўқ. Машиналар кўчада очик-сочик тура-ради. Уларни ўғирлаб ке-тиш бировнинг ҳаёлигаям келмайди!»

Нега биз бир-биримиз-ни ҳалоллик сари чоғлаш-га, ёнимиздаги кишини э-гри ишлардан қайтаришга ўзимизда куч тополмайми-з. Бефарволимиз, лоқайд-лигимиз оқибатида ҳалол-лик ҳаммизга кўз ўнгимиз-да мағлуб бўлаверади. «Сиз-ларнинг қай бирингиз би-рор гуноҳ иш қилаётган одамни курсангиз, уни ав-вало қўл билан қайтаринг, - дейилади Ҳадиси Шариф-да. - Бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бун-га ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчиси одамнинг имони заифли-дан далолатдир!»

Ёмон хулқнинг оқибати кўп ёмон, Жазо тортгунг умр бўйи беомон, дейди яна бир мутафак-кир. Биз тириклик олами-даги ҳаммаки илмлар қа-торида ҳалоллик илмини ҳам ўргана бораёлик. Ана шундагина кексаларимиз айтганидек ҳалолликда ҳик-мат кўплигини англаб ета-миз.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Одабийлик сабоқлари


жам, мусулмонларга хиёнат қилмагилки, ўзинга зарар етказурсан!» У киши чўп-нининг насихатларини эшитмас ва эгрлик иш-ни яна тасдиқлар эди. Бир кеча баҳор вақтида итти-фоқи кўп ёмғир ёғиб, сел оқиб келди ва қўйларни оқизиб кетди. Сўнгра чўп-он шаҳарга келади. Кўй э-гаси унга: «Бугун нима учун сут келтирмадинг?» дейди. Чўпон эса унга тил қараб: «Эй, хўжам, мен неча бор, сутга сув қўшмагил, охири-ни ўйла, дедим. Сўзимни ҳаргиз эшитмадинг. Охи-ри сутга қўшган сувларни-нг ҳаммаси йиғилиб, ўтган кеча бир сел бўлиб оқди-ки, ҳамма қўйларни ўз до-мига тортиб» деди...

Кунларнинг берида қўш-ни аёл мени уйи ичкари-

гимни. Агар икковиниям олса шубҳаланишимизни билган. Ҳа, жуда устамон у!» Мен қўшимнинг кун-лига оғир ботмайдиган қи-либ дедим: - Бу гапни бош-қа бировга айтманг, зи-рагингиз топилиб қолса, уялиб қоласиз-ку, ахир.

Бирок эртасига... Қўш-нининг келини қўлига жи-митдайгина тилга узук та-қиб келибди. Қайнонаси-га курсатиб «Уртоғим сотмоқ-чи бўлиб юрвуди, шуни ол-дим» депти.

Ҳалоллик - улуг тушунча. Унинг мезонлари ҳам те-рандир. Яъни вужуд, рух ва нафс ҳалоллиги бир-бирига уйғун бўлсагина, инсон чинакамга покиза-ди. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ҳаётда яшар эканмиз, ҳалоллик тушунча-



Тошмамат ота Сиддиқов Каттакўрғон туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжалигида яшайди. Узок йиллар хўжалик фермасида ветврач вазифасида ишлаб чорвачиликни юксалтиришга ўз улушини қўшди.

Айни кунда нафақада. Шунга қарамай бўш қолди дегунча томорқасидаги боғ-роғларга қарайди. Отахон етиштирган мева-чевадан барча баҳраманд бўлаётир. Отахоннинг 8 фарзанди, 24 набираси эл қорига яраш иштиёқида воёга етишмоқда.

Суратда: Тошмамат ота ўғли Нормат билан.

Нурмамат Алмуратов олган сурат.

Филология фанлари доктори Анвар Ҳожиахмад пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг 7 соҳадаги 77 масалага бағишланган 777 ҳадиси муборакларига баған 777 шеърый иқтибосини тахририятимизга тақдим этди.

Уз замондошларини, қолверса келажак авлодлари бахтини ўйлаган буюк Мураббийнинг - Мухаммад алайҳиссаломнинг сержало ифодаси Анвар Ҳожиахмад иқтибосларида ҳам ўзининг гўзал ифодасини топган.

«Кимки ҳалол еб-ичса, суннатга мувофиқ амал қилса, одамларга зарар етказмаса, жаннатга кирди» (Т 2520/73).

Кимки ҳар доимо еб-ичса ҳалол, Амаллари бўлса суннатга лойик, Одамларга ҳаргиз бермаса зарар Жаннатга киргуси бу мўмин — аниқ.

«Бу мол-дунё деган нарса ҳалол топиб, ҳалолга сарф қилгуси одамгина ширин татиб, ҳузур бахш этгайди. Аммо уни ҳаром йул билан топгуси одам мекчай ҳай-

вон қабидир» (IV7198).

Ҳалол топиб, ҳалол сарф этган мўмин Олам лаззатидан топгайдир ҳузур. Ҳаром йуллар билан мол-дунё топиб Айш этган — бир мекчай ҳайвон қабидур.

«Кўтарилган (меҳнат қилган) қўл туширилган (тиламчи) қўлдан яхшидир» (IV.201).

Меҳнат қилувчи қўл табарруқ ҳаргиз, Инсон ҳалол меҳнат биландир азиз. Туширилган қўлдан — тиламчи қўлдан Кўтарилган қўллар аёлдор шаксиз!

«Бу мол-дунё деган нарса (ҳайвон қўзини уйнатадиган қумқуқ, ширин ут-улан янглиғ (фусункор) ва лаззатлидир. Кимки нафсини тийиб, эҳтиёжига ярашсини олса, барақали бўлгайдир ва кимки очуқлик қилиб эҳтиёждан ортинги олса, бебарақа бўлгайдир» (IV.201).

Дунё лаззатлидир, ким нафсин тийиб, Қаноат-ла олса-барақа булур, Очуқлик қилса-ю эҳтиёждан — Ортинги олса бебарақаду.

Анвар ҲОЖИАХМАД.

Жаннат қалити

Уй бекаларига

- Сабзавотларни ҳарид қилишда қуйидагиларни билиш керак: гулқарам - оппоқ ва қаттиқ, сабзи - тўқ сарик, силлик, бодиринг - кўм-кўк, силлик, барра бўлиши керак.

- Энг хуштам редиска - оқ тумшук қизил редиска.

- Сабзавотлар қанча кам вақт сақланса, унинг таркибидagi витаминлар шунча кўп бўлади. Шунинг учун уларни узок сақлаб турмасдан, тезроқ ишлашти керак, сақла-ганда ҳам қуруқ ва сал-кин жойда, масалан хо-лодликда ёки ер тў-лаларда сақлаш керак.

- Сабзавотларни таом тайёрлашдан олдин арти-ниг ва тўғрағи, уларни сувда ушлаб турманг. Витаминларнинг ва мине-рал тузларнинг бир қис-ми сувда йўқолади. Ма-салан, артилган картош-ка бир кундан С витамин-нинг 20 фоизини, тўғрал-ган исмакқоқ эса бир соат-да 24 фоизини йўқотди.

- Сабзавотларни совуқ сувда эмас, қайнаб тур-ган сувда пиширилади, шунда кўп витаминлар сақланади. Кўп витамин-лар қайнатилган ўтади, шунинг учун уни тўкиб юбормасдан, ундан соус ёки овқат пиширишда фойдаланинг.

- Сабзавотларни бир неча соатлаб пиширманг ва идишга керагидан ор-тиқча сув солманг. Иди-шни қопқоғи билан яхши-лаб ёпинг, ана шунда буг-кислородни ҳайдаб чиқа-ради ва витаминлар ок-сидланмайди. Агар бун-га амал қилинмаса, ма-салан, қарамни димлаб пиширганда С витамин-нинг тахминан 3 фоиз, картошка бутқасида эса 20 фоизи сақланади.

Билиб қўйган яхши

БЕМАВРИД

Сарлавахани ўқиган муш-тарий телефонда сўзлашиш одоби нимаси дея ҳайрон бўлиши ҳам мумкин. Берди-шини айтгунча хулосага шовшланг. Бир лаҳза шундай ҳолатни тасаввур қилинг: зарурат юзасидан бирор идора, ташкилотга ёки хонадонга телефон қи-ляпис. Керакли рақамни тергач, у ёқда гўшаки кў-тарган кишига ихлос ила «Ассалому алайкум» дея са-лом берасиз. Шунда у ёқ-дан саломга алиқ ўрнига томдан тараша тушгандай «Ким бу» деган беписанд овоз эшитилади. Устингиз-дан бир челлак сув қўйил-гандек ҳафсалангиз пир бў-лади. Агар у телефондаги киши ёки бўлса, «Аввало са-ломга жавоб бериш керак» дея телефонда сўзлашиш

га сарф бўлиши ҳисоблаб чи-қилган. Бу фақат иш юзаси-дан сўзлашуга кетган вақт-дир. Албатта, бунда иккинчи даражали гапларни, ортиқча эзмаликни чегириб ташлаш осон эмас.

Японияда хизматчилар учун махсус мактаб, биз-нича атаганда, малака оши-риш курслари мавжуд. Унда бошқа соҳалар қатори теле-фонда гаплашиш санъати ҳам ўқитилади: телефонда икки дақиқада ҳар қандай саволга хушмуомалалик билан, қисқа жавоб бера олиш керак.

Маълумки, товуш асаб ти-зимини кучли қўзғатувчилар-дан ҳисобланади. Сукунатни бузадиган, тез-тез ва ўт-сат-дан бўладиган телефон кўн-гириги эса асабга ёмон та-сир этади.

Кўпинча телефонда овоз

Қўнғирроқ

одобидан андек сабоқ бе-риш мумкин. Агар у катта-роқ ёшдаги одам бўлсаки? Менга ўргатманг, ўзим би-ламан дея сизни баттар мул-зам қилса-чи?

Хуллас, юқоридаги ўш-шаш ҳолатларни ҳар бири-миз бошимиздан кечирган-миз. Кўряписизки, бу масала сиз уйлагандан анча жид-дийроқ экан.

Маълумки, телефон зарур хабарларни билдириш, қис-қа сўзлашиш иш ёки оила-вий юмуш юзасидан ахбор-отлар олиш учун яратил-ган. Шунинг учун ҳам, те-лефондаги гап қисқа ва их-чам, аниқ-лўнда бўлиши ло-зим.

Телефон хизмати тез, од-дий ва қулай бўлгани учун алоқанинг бошқа турлари-га қараганда тобора оммала-шиб, халқ хўжалигининг ҳамма миқёсига, кундалик турмушга, узаро муносабат-ларимизга чуқур синиб бор-моқда.

Ҳар қандай техник имко-ният-лар-дан, жум-ла-дан, теле-фон хизматидан ҳам тўғри ва мақсадга мувофиқ фойда-ланиш лозим. Телефоннинг вақтини тежаш мулоқотни энгиллаштириб, узаро ало-қани осонлаштириши сизга маълум. Лекин ундан кўп ва мақсадсиз фойдаланиш эса бўш вақтингизни қисқарти-ришига, иш унумини пасайти-ришига сабаб бўлади, одам-нинг оромини бузади, узаро мулоқотни гариблашти-ради.

Кўпгина корхоналар, муас-сасаларнинг ишини телефон хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иш вақтининг 27 фоизи телефонда гаплашув

ҚИЛМАНГ...

ёмон эши-тлади. Шу боис айрим ки-шилар те-лефонда ба-қариб гапирлади-лар. Бун-дай ҳолат иккала га-пирувчи-нинггина эмас, бал-ки ўша п а й т да уларнинг енида бўл-ган киши-ларнинг ҳам асаби-ни бузади. Ш у н и н г учун теле-фонда га-пириш тар-зи ҳам маълум аҳамиятга эга.

Телефон гўшагининг қан-чалик тез олинishi ҳам га-плашувчининг асаб-психика-сига таъсир қилиши мумкин.

Кўпчилик киши-ларнинг қўнғирроқ бўлиши сабаби буларга қўнғирроқ бўлиши мумкин.

Асабий кишилар сабри чида-май гўшаки тез-биринчи кўн-ғирроқлаб кўтардилар. Оқи-батда бундай ҳолларда теле-фон кўпинча узилиб қолади. Одатда, гўшаки икки-уч кўн-ғирроқ бўлгунча бамайлихотир кутиб ва шундан кейингина гўшаки кўтариш лозим.

Бемаҳал, бемаврид жара-ниглан телефон кўнгириги, хоҳ у байрам табриги ёки бошқа яхши тилак бўлмасин, кишида яхши таассурот қол-дирмади. Истисно ҳоллар-даги уят зарур гап бўлмаса, кеч соат ундан сўнг бировни телефонда безовта қилмаган маъқул.

Иззат АҲМЕДОВ.



БОЛАЛАРИНГИЗ БИЛАН БИРГА ЎҚИНГ

IT NEGA VOVILLAYDI?

(ertak)

Qadim zamonda bir it o'rmonning o'rtasida issiq kulning ustida shirin uyqyda yotgan ekan. Bir maymun itni ko'rib qolibdi va o'ziga-o'zi debdi: «Bu mazza qilib uhlab yotgan qanday hayvon ekan?» Qancha tiklisa ham uning qanday hayvon ekanligini aniqlay olmasdi. U o'rmondagi boshqa hayvonlarni chaqiribdi. Ular maymun topgan ajoyibotni ko'rish uchun yugurib kelishibdi. Maymun avval itni filga ko'rsatib so'rabdi: «Bu qanday hayvon va nima ish qiladi?» Fil katta quloqlarini qimirlatib: «Bilmayman!» - debdi. Keyin maymun o'sha savolini jirafaga beribdi. Jirafa bo'yini daroz qilib itni hidlabdi. Keyin u ham bilmayman deb javob beribdi. Maymun hamma hayvonlardan birma-bir so'rab chi-qibdi, ammo birontasi uning qanday hayvon ekanligini bilolmasdi. It esa hamon shirin uyqyda yotar ekan. Hamma hayvon bo'lib turganida bir payt maysalar orasi-dan ovoz eshitiibdi. U qari toshbaqa ekan. Toshbaqa debdi: «Hammingiz yashshilab qaradingizmi?» May-mun: «Ha, ammo birontamiz ham uning nimaligini bilolmayapmiz!» - debdi. «Bu it!» - debdi toshbaqa. U itni uyg'otibdi. Itning qulog'ida qichqirib debdi: «Ey it! Tur o'rningdan! Hamma hayvonlarni hayda! Cho'chib ketgan it o'midan sakrab turibdi va hamma hayvonlarni vovillab haydabdi. Maymun, fil, ayiq, tulki, qyvon, olmahon, begemot va boshqa hayvonlar tum-taraqay bo'lshivdi. It yana o'z joyiga yotib o'zida-ozide debdi: «Meni kim uyg'otdi ekan? Uni o'ldiraman!» Ammo toshbaqa o'z uyida yashirib olgan ekan. Toshbaqa itga: «Sen meni topolmaysan!» - debdi. O'sha kundan boshlab it qaysi hayvonni ko'rsa, vovillab haydar ekan. Vovillash unga odat bo'lib, odamlarga ham, qushlarga ham vovillashini qo'ymas ekan. Ertak ham tamom, hu-doga shukr. Yashshilardan eshatayuk tashakkur.

Тиббий маслаҳатхона

Биламизки чой бу қувват-га бой табиатнинг улуг неъматидир, хордик чикарувчи, тетиклаштирувчи, касаллик-нинг олдини олувчи, даво-ловчи, парҳез хусусиятлари-га эга ичимлик ҳисобланади.

Чойнинг хилма-хил навла-ри бўлиб улур тарихи, таъ-ми, хиди, ранги, шифобахш-лиги билан фарқ қилади. Ду-неда кўп халқлар кўк ёки қо-ра чой истеъмол қилишади. Марказий Осиё халқлари таш-налик босувчи ичимлик си-рафатида кўк чой истеъмол қи-лади.

Қадим замондан Шарқ та-дармон куришидан сақлаб, қон томиларимиз муртла-шишининг олдини олади. Р дармондориси қилтомир-ларнинг заифлиги ва ўтка-рувчанлиги билан боғлиқ бўлган турли хил касаллик-ларни, масалан бод, гломе-рулонефрит, милкларнинг қонаши, тери остига майда қон қуйилиши ва бошқа ка-салликларнинг олдини олишда аҳамияти жуда кат-тадир, қон босимини туши-риш хусусиятига ҳам эга.

Р дармондориси етишма-ганда киши ўзида қувватсиз-

дармон куришидан сақлаб, қон томиларимиз муртла-шишининг олдини олади. Р дармондориси қилтомир-ларнинг заифлиги ва ўтка-рувчанлиги билан боғлиқ бўлган турли хил касаллик-ларни, масалан бод, гломе-рулонефрит, милкларнинг қонаши, тери остига майда қон қуйилиши ва бошқа ка-салликларнинг олдини олишда аҳамияти жуда кат-тадир, қон босимини туши-риш хусусиятига ҳам эга.

Р дармондориси етишма-ганда киши ўзида қувватсиз-

лик, бўғинларининг оғриши, тез чарчаш, милкларнинг қо-наш холлари кузатилади.

С дармондориси ўпка ша-моллаши, кўк йўтал, бўғма кайб оғир хасталикларнинг тезроқ даволанишига ёрдам беради. Жароҳат, яра, синг-ган суякларнинг битиб кети-шида қумаклашади, аъзола-римизни тез чарчашдан сақ-лайди. Кўк чой таркибидagi С дармондориси қора чойда-ги қараганда ўн баробар кўп бўлар экан.

Чойдаги ифори мой гоет мураккаб модда бўлиб, тар-кибида сирка, ёғ, пропигон, валерина, пальмининг, сали-цил, олма, лимон, шовул, қархоб ва бошқа таом жав-ҳарларнинг улкан гулдас-тини сақлайди.

Бу жавҳарлар чой ифори таркибидagi яна беш хил модда билан бириккан ҳолда ичимликнинг нафис хуш-бўйлигини таъминлаб, ишта-ҳани кўзатади.

Кўк чой полифеноллари атеросклероз ва юрак хаста-ликларига олиб борувчи кон-даги холестерин ва ёғларни-



Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент.

Қараш...

